

## ЖАМИЯТНИНГ КОРРЕЛЯЦИОН-ФУНКЦИОНАЛ ҚОНУНЛАРИ ТИЗИМИДА ДАВЛАТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ

Тарих, жумладан ҳуқуқни диалектик маданий тушунишга мувофиқ, кишилиқ жамияти табиатдан воқеаликка ишлов бериб ўзлаштириш орқали ажралиб чиққан. Демак, маданий борлиқ социал борлиқ, яъни жамият, хусусан, сиёсий-ҳуқуқий ҳаёт мавжудлиги ва ривожланишининг ядроси ҳисобланади. Маданий борлиқнинг тарихий макон ва замондаги ўзига хос бир бутунликлари цивилизациялар, яъни ўз давлати ва фуқароларига эга бўлган мамлакатларни келтириб чиқарар экан. Маданий борлиқ тўртта таркибий қисмларнинг бирликларидан иборат бўлиб, улар қуйидагилар: 1) инсон ва унинг бирликлари; 2) моддий маданият; 3) сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар; 4) маънавий маданият ва унинг турлари. “Инсон эҳтиёжларининг турли туманлигидан, - дейди С.О.Абдухолиқов, - маданий борлиқнинг турли соҳалари келиб чиққан. Кишиларнинг социал бирликлари ва унинг томонлари – моддий, маънавий ва сиёсий-ҳуқуқий маданият маданий борлиқнинг асосий соҳаларидир. Ушбу маданият турлари негизида ижтимоий ҳаётнинг, кишилар социал бирликларининг моддий, маънавий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаёт соҳалари келиб чиққан.

...маданий борлиқ кишиларнинг социал бирликлари ва унинг томонлари-моддий, маънавий ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятларнинг коррелятив-функционал бир бутунлигидан иборат бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг асосини ташкил этади”<sup>1</sup>. Жамият мавжудлиги ва ривожланишининг ядроси бўлмиш маданий борлиқнинг бу тўртала қисмлари ҳар бир мамлакатда ўзига хос ҳолда мавжуд бўлади. Бу тўртала қисмлар бир-бирларини тақозо этадилар ва бир-бирларига нисбатан муносабатларида биринчи субстанционал элемент – инсон ва унинг бирликлари социал асос қонунини, иккинчиси – моддий маданият моддий асос қонунини, учинчиси – сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар бошқариб турувчилик ва тартибга солиб турувчилик қонунларини, тўртинчиси – маънавий маданият

---

\* ТДЮИ магистранти

1 Рустамбоев М.Х., Абдухолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2-китоб.-Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005. -Б. 11-14.

маънавий асос қонунларини бажарадилар<sup>2</sup>. Давлатнинг ҳам ушбу тўртта корреляцион-функционал қонунлар тизимида ўз ўрни бор.

Юқорида кўрдикки, давлат сиёсий-ҳуқуқий маданий ҳодиса. У сиёсий ва ҳуқуқий ҳаётнинг энг йирик субстанционал элементи. “Сиёсат” сўзи арабчадан бошқариш деган маънони англатади. Сиёсий маданият эса кенг маънода, яъни жамият даражасида сиёсий ҳаёт борлиқнинг ишлов бериб яратилган қисми ҳисобланади. Жамиятнинг социал ва моддий ёхуд сиёсий ва ҳуқуқий ҳаёт соҳалари бўлсин онгли, мақсадли равишда бошқариб турилишини, қатъийлик асосида тартибга солиб турилишини, қафолатланишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам сиёсий норма ва муассасалар, жумладан давлат сиёсий маданий ҳодисалар сифатида барча ижтимоий муносабатлар тизимида бошқариб турувчилик қонунини бажарадилар. Бу ҳар дамда давлатга хос қонуниятли жараёндир. Аммо бунинг учун унинг, биринчи навбатда конкрет макросубъектлари – қабилалар иттифоқи (масалан, унинг ифодаси бўлмиш Қадимги Хоразм конфедерациясини олинг), халқ (масалан, унинг ифодаси бўлмиш Хоразм Халқ Республикасини олинг) ва миллат (масалан, унинг ифодаси бўлмиш мустақил Ўзбекистон Республикасини олинг) бўлиши керак. Шунинг учун ҳам инсон ва унинг бирликлари жамият ядроси – маданий борлиқ тизимида социал асос қонунини, жамиятнинг бир бўлаги-ҳуқуқий ҳаёт, яъни ҳуқуқий борлиқ соҳасида эса субъектнинг белгиловчилик роли қонунини бажаради. Аммо инсон ва унинг бирликлари тарихий конкретдир. Эътиборни қаратайлик: Қадимги Хоразм, Бақтрия ва Сўғд давлатларининг макросубъектлари туронликлар, яъни массагетлардир. Хусусан, ҳокимиятни ўз қўлига киритган муайян сулолалардир. Марказий Осиёнинг кенг чўл ҳудудларида яшаган халқлар Юнон манбаларида Скифлар номи билан юритилган. Қадимги Скиф қабилаларининг Виёга, Дон, Днепр, Дунай дарёлари бўйларида яшаганликларини қайд этган олим А.Б.Дитмер “Скифиядан Элефантингача” номли асарида: “Скифлар Ўрта Осиёдан тарқалган эди, дейди. Унинг ёзишича, скифларнинг тили Шарқий Эрон тиллари гуруҳига киради ва сак-массагет қабилалари билан уруғдошдирлар”<sup>3</sup>. Скифлар Массагет, Дах, Сак (шак), Дебрик каби номлар билан ҳам аталган. Масалан, Геродот Марказий Осиё

---

2 Қаранг: ўша манба. –Б.14-18.

3 Каримов Ш., Шамсуддинов Р. Ватан тарихи.К.1.-Т.: “Ўқитувчи”, 1997. –Б. 35-37,

Қаранг: ўша жойда: Дитмер А.Б. От Скифии до Элефантины.М., 1961.С.22.

худуди халқларини массагетлар, деб атаган. Ёки Кушонлар давлатини олайлик, унда давлатчиликнинг бевосита макросубъектлари юэчижилар деб аталган массагет қабилаларидир. Инсон биоижтимоий маданий ҳодиса бўлиб, унинг микробирликлари – оила ва меҳнат жамоалари бўлса, макробирликлари эса уруғ, қабила, элат ва миллатлардир. Демак, қадимги давр давлатчилигида қабилалар ва улардаги сулолалар социал асос қонунини бажарадилар. Қабилалар ўртасидаги муносабатлар келишувчиликни, шартномани, давлатчиликни тақозо этган. Демак, давлатчилик тақозоланган.

Жамиятнинг бир қисми унинг моддий ҳаётидир. Жамиятнинг моддий ҳаёти хўжалик ҳаёти ва экоҳаётлардан иборат. Хўжалик ҳаёти эса технологик ва иқтисодий ҳаётларга бўлинади. Технологик ҳаётнинг ядроси технологик маданият бўлиб, у меҳнат куруллари, техник билим, ишлаб чиқариш жараёни каби томонлардан иборат. Иқтисодий ҳаётнинг ядроси иқтисодий маданият бўлиб, у мулк, айрбошлаш, тақсимот, истеъмол каби соф маданий муносабатлардан иборатдир. Инфляция иқтисодий ҳодиса, аммо иқтисодий ҳаёт ядроси – иқтисодий маданият таркибига кирмайди. Демак, технологик маданият технологик ҳаётнинг, иқтисодий маданият иқтисодий ҳаётнинг ишлов бериб яратилган қисмларидир. Экомаданият эса жамиятнинг табиатга муносабатларида – экоҳаётнинг ишлов бериб яратилган қисмидир. Технологик ва иқтисодий маданиятлар биргаликда хўжалик маданиятини ҳосил қилади. Хўжалик маданияти негизида хўжалик ҳаёти қарор топади. Хўжалик маданияти экоҳаёт ядроси – экомаданият билан биргаликда моддий маданиятни, яъни моддий ҳаётнинг ядросини ташкил қилади. Бу мақсадли, онгли ҳаракат жамият даражасида бошқарувни, жумладан, мулкка нисбатан қафолатларни тақозо этади<sup>4</sup>. Демак, моддий маданиятнинг муайян ҳолати уни юзага келтирган субъектлар – мулкдорлар ёки ишчи кучларини ҳам, яъни ўзининг социал асосларини ҳам ва ўз ҳолатига мувофиқ келувчи давлатчиликни, режим ва қонунчиликни тақозо этади. Демак, моддий ҳаётнинг ядроси – моддий маданият ҳам давлатчиликни тақозо этади ва унинг ўзи давлатчиликнинг моддий асоси бўлиб хизмат қилади. Моддий, жумладан хўжалик маданияти эса ҳар бир мамлакат, цивилизацияда ўзига хос ҳолда бўлган. Жумладан, қадимги Хоразмда суғориш тизими ўзига хос

---

4 Қаранг: Абдуҳолиқов С. Виждон эркинлиги: методология муаммолари.-Т.: “Фан”, 1997.

бошқарувни, давлат бошқарувини тақозо этган, яъни жамоа бўлиб биргаликда келишилган ҳолда ҳаракатни талаб этган ва унга давлат бошқарувини келтириб чиқарган. Қадимги Грецияда эса хўжалик ҳаётида қул меҳнатидан фойдаланиш устиворлик қилган. Ҳудди шу белгилар ҳам қадимги давлатларнинг ўзига хосликларига моддий асос бўлган.

Маънавий ҳаётни олайлик. Жамиятнинг маънавий ҳаёти ахлокий, эстетик, диний, илмий, таълим-тарбия тизими ва оммавий ахборот воситалари тизимларига бўлинади. Уларнинг марказида инсон онги туради. Ҳар қандай маданий жараён, жумладан моддий неъматларни ишлаб чиқариш ёки давлат бошқаруви инсон онгига боғлиқ бўлиб, технологик, иқтисодий онглари ва сиёсий онг орқали юз Беради. Демак, маънавий маданият жамиятнинг ядроси – маданий борлиқнинг бошқа соҳаларига нисбатан маънавий асос қонунини бажаради. Давлатчилик бу муносабатдир, ижтимоий муносабатлардаги тугундир. Бу тугун маданийдир, чунки у онгли, мақсадли боғланиш бўлиб, бошқа муносабатларнинг темпига кучли таъсир этади, кўпинча йўналишларини белгилайди. Лекин, у онгсиз юз бермайди. Демак, маънавий маданият ўзаги – онг давлатчилиқнинг гнесеологик асоси бўлиб хизмат қилади ва айни вақтда маънавий ҳаёт ядроси – маънавий маданият тармоқлари ўзининг жамият даражасида бошқариб турилишини, ҳуқуқларининг қафолатланишини тақозо этади.

Қадимги давр цивилизациялари – қадимги Хоразм, Бактрия ва Сўғд халқлари – сак қабилалари уларнинг, жумладан давлатчилигининг социал асоси бўлиб хизмат қилган. Чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик каби хўжалик маданияти бу цивилизациялар, жумладан давлатчилигининг моддий асоси, зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби – “Авесто” эса маънавий асоси ҳисобланган. “Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганлигига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аجدодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто” айни заминда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди”<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup> Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том.-Т.: “Ўзбекистон”, 1997. –Б. 137-138.

Ҳуқуқ ижтимоий муносабалардаги тенглик, адолат ва эркинлик моментларининг кафолатланишларининг тақозо этилиши бўлиб, улар ҳокимият орқали юз беради. Бу жараён ҳам онгли характерга эга, ҳуқуқни асосан давлат ҳокимияти кафолатлайди. Демак, давлат ҳуқуқий ҳаётда ҳам бошқариб турувчилик қонунини бажаради, ҳуқуқий маданият эса унинг ваколатларининг ҳуқуқий асослари бўлиб хизмат қилади. “Авесто”да ҳам “халқ фаровонлиги ҳақида қайғурувчи Ахура Мазда қонунлари бўйича идора этувчи маърифатли, доно подшоҳнинг кучли ҳокимияти ғоялари тарғиб қилинади”<sup>6</sup>.

Демак, жамият мавжудлиги ва ривожланишининг ядроси маданий борлиқ ҳисобланиб, у қуйидаги тўрт қисмдан иборат: инсон ва унинг бирликлари; моддий маданият; сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлар; маънавий маданият ва унинг турлари. Улар бир-бирларини тақозо этадилар. Бундан маданий борлиқ негизида жамиятнинг тўртта корреляцион-функционал қонунлари – социал асос, моддий асос, маънавий асос, бошқариб ва тартибга солиб турувчилик қонунлари келиб чиқади. Бунда сиёсий ҳаёт ядроси сиёсий маданият жамиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан бошқариб турувчилик қонунини бажарар экан, давлат ҳокимияти бу тартибда асосий ўрин эгаллайди. Жамият ҳаётида бошқариб турувчилик тақозоланган ҳолат. Ибтидоий даврдаги жамоа кенгаши, оқсоқоллар йиғинларини давлатчиликнинг куртаклари деб ҳисоблаш мумкин. Давлатчилик жамиятнинг тўртта корреляцион-функционал қонунларидан бири – сиёсий маданиятнинг бошқариб турувчилик қонуни таркибида ҳар бир цивилизацияда ўзига хос ҳолда амал қилган, жамиятда кучли ёки кучсиз ҳолатда бошқариб турувчилик қонунини бажарган.

---

<sup>6</sup> Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар.-Т.: “Адолат”, 2001. –Б. 225.